



I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 15341,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 103,0 фоизга тенг бўлди.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа тармоғининг ўсиш суръати 105,7 фоиз, (ЯҲМ таркибидаги улуши (6,2 фоиз), саноат 104,3 фоиз (35,9 фоиз), қурилиш 102,3 фоиз (7,5 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 102,9 фоиз (8,1 фоиз), Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 97,9 фоиз (23,1 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 104,6 фоиз (19,2 фоиз) ни ташкил қилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби январь-сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар соҳаси

2018 йилнинг январь-сентябрда ЯХМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 33,5 фоизни ташкил қилди, бу эса 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 2,0 пунктга камдир (35,5 фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 1,0 пунктга камайди ва ҳисобот даврида 6,2 фоизни ташкил қилди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 8,1 фоизни ташкил қилди, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2017 йил январь-сентябрдаги 19,9 фоиздан 2018 йил январь-сентябрда 19,2 фоизга ўзгарди.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 54,0 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди.

**Январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг
иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби**

	млрд.сўм		2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил	2018 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	12023,0	15341,4	103,0
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	11267,3	14280,0	102,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	755,7	1061,4	104,8
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	11267,3	14280,0	102,8
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2393,0	3303,9	97,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	4876,2	6200,0	103,9
саноат	4011,5	5129,6	104,3
қурилиш	864,7	1070,4	102,3
Хизматлар	3998,1	4776,1	104,4
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	942,2	1155,9	102,9
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	815,0	888,0	105,7
бошқа хизматлари	2240,9	2732,2	104,6